



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 1 август, чоршанба № 118 (1132)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ҚАДАДИМИЗНИ **БОЗ** ТУТИБ

Бор бўл, оқибат!

Якка-ёлғиз кексаларимизнинг ҳолидан ҳабар олиб туриш халқимизнинг азалий уйдумларидан ҳисобланади. Айни пайтда давлатимиз томонидан ҳам бу эзгу аъёна собитқадмлик билан давом этирилмоқда. Бунинг биринчи ўрнида Ургут тумани мисолида яққол кўриш мумкин.

Ургут — Самарқанд вилоятидаги энг аҳолиси зич, шу билан бирга нафақахўрлар сони кўп тумандир. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими кулай, шинам, ишлаш учун етарли кулайликлар яратилган бинога яқинда кўчиб ўтганлиги шундоққина сезилиб турарди. Бу ерда 63 нафар ходим меҳнат қилар экан. Унинг ҳисобида 30 мингдан зиёд пенсионер ва нафақахўр бўлиб, уларга ойига 257 миллион сўмлик нафақа тўланмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг «2000-2005 йилларга мўлжалланган ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар» дастурига асосан, 228 нафар ёлғиз кекса рўйхатга олинган. Шундан 135 таси узлуксиз хабар олиб туришликка муҳтож қариялардир. Шунинг билан бирга, 63 нафар ходим уларга бириктириб қўйилган. Қизил Ярим Ой жамиятида 14, туман меҳнат бўлимида эса 58 киши худди шундай эзгу ишлар билан банд.

Нафақахўрларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида йил бошидан бунён уларга 7128 сўмлик дори-дармон, 85132 сўмлик тиш протези, 12500 сўмлик

кўзойнак, 29 дона ҳасса берилди. А.Навойи номидаги ширкат хўжалиги кўмаги билан бир киши 150 минг сўмлик аравача билан таъминланди. Шунингдек, ёлғиз кексаларга хўжалик ҳамда ташкилотлар томонидан ҳомийлик ёрдами ҳам кўрсатилмоқда. Масалан, Ш.Рашидов номи жамоа хўжалиги М.Шаимовнинг уйини таъмирдан чиқариб, газ ўтказиб берди. 182 нафар киши 973400 сўмлик моддий ёрдамдан баҳраманд бўлди.

Туманда 26 нафар юз ёшдан ошган отахон-онахонлар истиқомат қилишмоқда. Улар ҳолидан ҳам тез-тез хабар олиб турилибди. 117 нафар етим ўғил-қизга вақти-вақти билан инсонпарварлик ёрдами кўрсатилади.

Нафақахўрларни соғломлаштириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Жорий йилнинг ўтган ойларида беш нафар фуқаро вилоят реабилитация марказида дам олдирилди. Шунингдек, ногиронларга мослаштирилган Нурбулоқ санаторийси хамиша улар билан гавжум. Келгуси ойда яна 7 киши дам олиб, соғлигини мустақамлаштириш имконияти яратиб берилди.

Юқоридаги каби саховатли ишларни амалга оширишда туман ҳокими

лиги, ўнлаб тадбиркорлар, туман газлаштириш идораси ҳамда «Насим» ҳиссадорлик жамиятининг ёрдами катта бўлмоқда.

Давр ҳамма соҳада компьютерлаштиришни талаб қилмоқда. Шу боисдан бўлим вилоятда биринчилардан бўлиб компьютерлаштирилди. «Ўрта Осиё тараққиёт», «Жаҳон» банклари 8 та компьютерни ҳада этганлари айни мuddао бўлди. Иш жараёни тўлиқ лотин алифбосига ўтказилган. М.Умарқулова, Ш.Аҳадов, З.Қувватов, С.Бозоров, Ф.Маматқулова сингари ходимлар ўз касбларининг фидойилари сифатида ўрнатилган бўлмоқдалар.

Нафақахўрларни ижтимоий ҳимоялашни яхшилаш учун янги-янги имкониятлар излашга, дейди бўлим мудири Бекмурод Бердиев. — Асосий мақсадимиз — рўйхатимиздаги кексаларнинг ёлғизлигини билдирмаслик, иложи борича уларга намунали хизмат уюштиришдир. Мустақиллик байрами арафасида хомийларимиз ҳисобидан яна 7 та аравача олишни ҳамда 7 нафар ногиронни дам олиш масканларига жўнатиш, 5 кишига эшитиш аппарати олиб беришни режалаштирганимиз. Бу бизнинг уларга мустақиллик байрамига камтарин совғамиз бўлади.

Комила БОЙМУРОДОВА, «Ишонч» муҳбири.

Бошқармаимизнинг 85 нафар ишчи-хизматчилари 2001 йилнинг шу кунига қадар 20 миллион сўмлик иш ҳажмини бажардилар. Улар ўз тасарруфларидаги 115 километрни республика, 70 километрни вилоят миқёсидаги йўлларда йўловчи транспортларнинг бенуқсон қатновини таъминлаш учун таъмирлаш ишларини олиб бордилар.

Ишни яхшилаш аввало, моддий манфаатдорликни ошириш билан боғлиқ. Биз бошқарма маъмурияти билан ҳамкорликда имзолаган жамоа шартномамизда бу масалага алоҳида эътиборни қаратганимиз. Мазкур ҳужжат 2000-2003 йиллар учун тузилган бўлиб, ходимларнинг ўртача иш ҳақи 15 минг сўм атрофида белгиланган. Айни вақтда бунга эришмоқдамиз. Шартномага мувофиқ, иш ҳақининг 20 фоизи миқдорда йўл ҳақи,

ИШ КУНИ — ОЛТИ СОАТ

Ижтимоий ҳимоя

ҳар ойда овқат пули беришни йўлга қўйганимиз. Воҳамиз табиатининг ёзда иссиқ, қишда совуқ бўлишини ҳисобга олиб, ишчиларнинг иш ҳақларига сўт маҳсулотлари учун 10 фоиз устима ҳақ тўлаб бораёғамиз. Ишловчиларимиз таътилга чиқишда бир ойлик машини миқдоридан моддий ёрдам оладилар. 5-10 йил ишлаган ходимларга 3-5 кун, 10-20 йилдан ортиқ ишлаётганларга эса 9-15 кунгача қўшимча пуллик таътил берилди. Тўй ва маъракаларда 2 қопун, 1 қоп гуруч маъмурият ҳисобидан ажратилади. Бу йил Рўзимурод Абдухалиқов, Комил Сайридовларга шундай ёрдам кўрсатилди. Уларнинг 30 минг сўмдан моддий ёрдам сўраб ёзган аризалари ҳам ижобий ҳал этилди.

Хотин-қизларимиздан Қўйсинтош Ҳасанова, Наргиза Аҳмедова, Менгзаифа Аҳмедовалар «Сурхон», «Жайронхона» каби сийҳатгоҳларда бепул соғломлаштирилди. Фарзандларимиз Олтинсой тоғларидаги «Ваҳши ворлоболлар оромгоҳида бепул дам олдирилмоқда. Касаба уюшмаси оғир устакларда ишлаётган Мелибой Курбонов, Рўзимурод Абдухалиқов, Юрий Бюрков, Бахтиёр Худойбердиевларга қўшимча иш ҳақи тўламоқда. Кам таъминланган Зокир Ражапов, Урозали Омонов, Зокир Муштафоқулов, ногиронлардан Флора Валиева, Нигора Рўзиеваларга бир йилда 2-3 маротабадан моддий кўмак курсатдик. Ота-онасиз 3-нафар мактаб ўқувчисини ўқув қуроллари, дарслик-

лар, ёзги ва қишки кийим-бош билан таъминладик. Дам олиш хоналарига кўнглили хордик чикариш учун радио, телевизор, газета-журнал, китоблар, шахмат-шашка қўйилган. Меҳнат ҳавфсизлиги учун бурчаклар ташкил этилди. Ушбу мақсад учун 245 минг сўм ажратилди. «Онalar ва болalar» йили муносабати билан доимий ишловчи 5 нафар хотин-қизларимизга 6 соатли иш кунини жорий этдик. Хуллас, йўлсозларимизга барча шароитларни яратиб беришга ҳаракат қилияёмиз.

Эркин НАЗАРОВ, Музаброт тумани автомобил йўллари бошқармаси бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси.

ШАРТНОМА АСОСИДА

етди. Корхонанинг иккинчи томат цехи ишга туширилгач, ана шундай янги иш ўринлари пайдо бўлди.

Бу йил корхонада 3,5 минг тонна маҳсулот қайта ишланади. Бу ўтган йилдагидан икки баравар кўп демак. Янги консерва цехи корхонанинг қувватини янада оширди. Бу мавсумда 1,5 минг банка мева шарбатини хорижга экспорт қилиш режалаштирилган.

«НИҲОЛ»

Ўқувчи ёшлар оромгоҳи



Шовиллаб оқаётган Тўрнаулоқ дарёси бўйлаб юқорига кўтарилдик. Сал юргандан сўнг йўлнинг ўнг томонидаги ҳашаматли дарвоза тепасига «Ниҳол» ўқувчи ёшлар оромгоҳи» деб ёзилган томон бурлидик. Қалин, ям-яшил дарахлар билан қопланган оромгоҳга киришимиз билан кўксимизга салқин шабада урилиб, танга ором бахш этди. Сайроқи кушларнинг қонши ариқчалардан оқаётган зилол сувор овози билан ҳамроҳ бўлиб ажиб оҳангга айланган эди.

Оромгоҳ бош етакчиси Нормамат ака Ҳуррамов бизни ушбу маскан билан таништирди. 3 та 80 ўринли ётоқхона, 300 ўринга мўлжалланган ошхона, кутубхона, ўқиш зали ва бошқа бинолар сифатли таъмирланган. Ётоқхоналар атрофи ва йўлқалар, ўйингоҳлар чети ҳар хил анвоий гулларга бурканган. Дарахларда фарқ пишган турли мевалар қуёш нурини ял-ял товланади.

— Худудимиз 10 гек-

тардан иборат, — дейди оромгоҳ бошлиғи Абдураззоқ ака Исоқов. — Ўқувчиларнинг дам олиш мавсумига пухта ҳозирлик кўрдик. Бу йил 700 нафардан ортиқ ўғил-қиз кўнглили хордик чикариши учун барча шароит муҳайё этилган.

Ётоқхоналар, ошхона, болалар ва ўсмирлар хоналари керакли жиҳозлар билан таъминланган. Маскан ёшларни мардлик ва жасоратга қорловчи, она Ватанга меҳр-муҳаббат ҳиссини уйғотадиган шпорлар билан безатилган.

Болалар бўш вақтларида қўшни оромгоҳ вакиллари билан турли хил спорт мусобақалари

бўйича беллашмоқдалар. Шу билан бирга дам олувчилар Яқкабоғ ва Шаҳрисабз туманларидаги тарихий обидалар, Беклик қалъаси, Ёдгор Валлабий мадрасаси, Оқсарой, Китоб шаҳридаги Улуғбек кенглик станцияларига сайр қилишга катта таассуротлар билан қайтишмоқда.

Бир сўз билан айтганда, оромгоҳ ҳақиқатан ҳам болаларнинг мириқиб хордик чикарадиган масканга айланган.

Хусниддин ТўРАЕВ, Яқкабоғ туман ёш сайёҳлар ва ўлкашунослар марказининг услубчиси.



БИР ЙЎЛА УЧ ФАРЗАНД

Ғиждувон шахрининг Фурқат кўчасидаги 36-уйда яшовчи Олимжон Бафоев хонадонидан бир йўла уч фарзанд дунёга келди. Икки ўғил, бир қизли бўлган Олимжон ва Шаҳнозахоннинг қувончи чексиз.

Уларнинг оиласидаги хурсандчилик ғиждувонликларни бефарқ қолдиргани йўқ. Меҳнат жамоалари, тадбиркорлар бахтли оилани кўтлаб, оналар ва болалар йилида моддий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда.

Абдухалиқ Ғиждувоний номидаги ҳиссадорлик жамияти соғин сизир, «Мададкор» ҳиссадорлик жамияти ҳар бир чақалоққа махсус аптечка, керакли дори-дармон тақдим этган бўлса, «Бурҳон» сутини қайта ишлаш фирмаси оилани йил давомида сут ва сут маҳсулотлари билан бепул таъминлашни ўз зиммасига олди. Туман солиқ идораси ҳам саховатдан четда турмай, кичкинтойларга кийим-кечак ҳада этди.

Ҳасанжон, Хусанжон ва Захрохоннинг саломатлиги яхши.

(ЎзА).

ОЛАМДА

БУЮК БРИТАНИЯГА ЯНА ОҚСИЛ ХАВФ СОЛАЁТИР

Бу шубҳалар Уэлсда қўйлар махсус текширув-синовдан ўтказилганда ўз тасдиғини топди, деб хабар беради РИА «Новости» агентлигининг муҳбири. Синов натижаларига кўра, яна 2 минг бош қўй қириб ташланмоғи ло-

рувдан ўтказилди. Ветеринария хизмати ходимлари қаттиқ карантин жорий этилган ҳудудларга касаллик вируси қандай кириб келганлиги сирини била олмаяптилар. Шу билан бирга ҳукумат махсус идоралари баъзи бир фермерлар давлатдан тову олиш учун ўз қўйларини қасддан оқсил касаллигига йўлиқтиряптилар, деган хабарларнинг ҳам текшираётдилар.

КОНЧИЛАР ХАЛОКАТИ
Хитой маъмурлари шарқий Хитойда жой-

лашган Цзянсу вилоятидаги Суйчжоу кўмири қонида 92 қончи қурбон бўлганлигини тасдиқладилар. Кутқарув ишлари бир ҳафтадан ортиқроқ давом этди. Мазкур фожеа шун йилнинг 22 июл кунини унча катта бўлмаган хусусий кўмир қонида газ портлаши оқибатида рўй берди. Қон ичида 105 нафар шахтёр қамалиб қолган эди. Улардан фақат 13 киши кутқариб қолинди, холос.

Бу шахта ишлаб чиқариш шарт-шароитлари, техника ҳавфсизлиги жиҳатидан давлат андозалари талабларига жавоб бермаганли-

ги туфайли маъмуриятнинг расмий кўрсатмасига биноан шу йилнинг июн ойидаёқ ёпиб қўйилган, бироқ бир ойдан сўнг у яна ишлатила бошлаганди. Маҳаллий маъмурлар шахта этгасини қамоққа олдилар. Ҳозир ҳалокат келиб чиқishi юзасидан текшириш ишлари олиб борилмоқда.

НЕФТ БАҲОСИ ОРТИБ БОРМОҚДА
Нью-Йорк товар биржасида сентябр ойи

фьючер шартномаларининг баҳоси кўтарилди — бораётир. Сўнги савдоларда у бир баррел учун 27,02 долларни ташкил этди, дея хабар беради «Интерфакс». Бу аввалги савдо-сотикда бўлганидан кўра 29 центга кўпдир.

«Ишонч»га жавоб берадилар НАФАҚА ТЎЛИК — ТЎЛАНДИ

Газетамизнинг шу йил 6 июл сонидан чоп этилган «Ишсизлик нафақаси Тўрткўл туманида вақтида берилмаётганига ким сабабчи?» сарлавҳали мақолада ишсизлик макомини берилган фуқаролар нафақаларини ўз вақтида ололмаётган сарсон бўлаётганликлари, жумладан, Роза Йўлдошева, Холбака Юсупова, Насиба Тиллаева қабиладар тўрт ойдан бунён нафақа пуллари ололмаётганликлари сингари салбий ҳолатлар танқид қилинган эди.

Куйида ушбу мақола юзасидан таҳририятимизга йўлланган жавоб хати билан танишасиз. — Газетада таъкидлаб ўтилган далиллар туман ҳокимлигида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда халқ банки бўлимлари раҳбарлари иштирокида кўриб чиқилди, тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Мухокама чоғида ҳақиқатан ҳам туман халқ банки бўлими ходимлари масъулиятсизлиги, баъзан эса, нақд пул этишмагани сабабли ишсизларга нафақа тўлашда узилишларга йўл қўйилгани қайд этиб ўтилди. Шунингдек, юқоридаги каби камчиллар бошқа такрорланмаслиги учун аниқ режалар тузилди.

Шунга кўра тумандаги мавжуд, 2119 нафар ишсиз фуқароларнинг 5 миллион 907 минг сўмдан зиёдроқ нафақалари нақд пул билан тўланди. Белгиланган режаларнинг амалийлигини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг олти ойида халқ банки қарздор бўлиб қолган нафақахўрлар билан тўла ҳисоблашди. Яъни, сал кам 13 миллион сўмлик пул ўз эгаларига ўтказиб берилди. Шундай қилиб, пул тўловларидаги узилишлар барҳам топди. Шу жумладан, мақолада номлари алоҳида қайд этилган фуқароларга тайинланган нафақа пуллари ҳам улар қўлига теғди. **Т. ТАНИРБЕРГЕНОВ, Тўрткўл тумани ҳокими.**

Меҳнаткашларга хавфсиз иш шароитларини яратиш, улар меҳнатини муҳофаза этиш ва ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ҳамда касб касалликлари олдини олиш муҳим вазифалардан бири.

Шуларни эътиборга олиб вилоят қўмитаси 2000-2001 йилларда енгил, маҳаллий мебел саноати ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналаридаги аҳолини ўрганиб ушбу масалани тўрт мартаба раёсат йиғилишида муҳофаза қилди. Касаба уюшма қўмитаси раислари ва меҳнатни муҳофаза қилиш муҳандисларининг семинарини ўтказди.

Мазкур тадбирлар асосан корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси томонидан имзоланган жамоа шартномаларида ва меҳнат муҳофазаси келишувлари орқали амалга оширилмоқда. Тармоқдаги 92 корхона ва таъкилотларда қабул қилинган жамоа шартномаларида меҳнатни муҳофаза қилишга йўналтирилган юмушларнинг бажарилиши учун сарфланаётган маблағ йилдан-йилга ошиб бормоқда.

1999 йилда меҳнатни муҳофаза қилиш ишларида 227 миллион сўм ажратилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 766 миллион сўмни ташкил этди. Жумладан, 22,5 миллион сўм махсус кийим-бош ва шахсий ҳимоя воситалари харид қилиш учун сарфланди.

Амалга оширилган ишлар натижасида қатор корхоналарда шовқин даражаси, ҳавонинг чангланishi ва газланishi микдори санитария нормалари талаблари даражасига келтирилди. Масалан, «Бухоротекс» хиссадорлик жамиятида эскирган ишлаб чиқариш воситалари замон талабларига жавоб берадиган ускуналарга алмаштирилмоқда.

Меҳнат шароитлари ва махсулот сифатида й, II йигирув-тўқув фабрикаларида

Швейцариянинг «Бенингер», Германиянинг «Хакоба», «Зюльцеррютти» фирмаларидан келтирилган ускуналар ўрнатилди. Қорақул ип-йигирув фабрикаси негизда эса Ўзбекистон-Америка «Қорақултекс» қўшма корхонаси ишга туширилди. Ишчи-хизматчилар учун ёзги ва қишки ошхона, санитария-маиший хоналар намунали хизмат кўрсатмоқда. Жамоа аъзоларига тушлик овқат бепул. Уларнинг ўртак иш ҳақлари 25 минг сўмни ташкил қилмоқда.

Зарарли меҳнат шароитларида ишлайдиган «Бухоро ипаги», А.Фиждуювий номи, «Бухоротекс» хиссадорлик жамиятлари,

ИШЧИ ҚАДРИ

Олот тўқув фабрикаси ишчилари сут махсулотлари билан таъминлангани. Тармоқимизда ишчи-хизматчилар саломатлигини тиклаш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга ошириляпти. «Бухоротекс» корхонасига қарашли сир-фандида ишдан ажралмаган ҳолда йилига тармоқ корхоналарининг 1400-2000 нафар ишчи-хизматчиси соғломлаштирилмоқда. Бу ерда шу йилнинг 6 ойи мобайнида 700 нафардан орттиқ киши саломатлигини тиклаб олди. Шу билан бирга, уларнинг фарзандлари дам олиши учун ҳам барча шароитлар мавжуд. «Еш тўқимачи», «Ешлик» оромгоҳларида ҳар йили 1000 нафардан зиёд бола хордик чиқармоқда. Шу йил ёзги мавсумнинг биринчи

Бултур тармоқимиз бўйича 10 та бахтсиз ҳодиса содир этилган бўлиб, уларнинг иккитаси ўлим билан тугади. Уларнинг асосий сабаблари: меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг бузилиши, қайта ўқитиш ва инструктажларнинг етарли даражада олиб бормаслики. Касабақўм раислари томонидан назоратнинг сусайтириб юборилганлигида эди. Тармоқ қўмитаси меҳнат-техник нозир томонидан ўтган ва шу йилнинг 6 ойи мобайнида тегишли қоида ва талаблар 700 мартага яқин бузилганлиги қайд этилди. 60 дан зиёд буйруқ чиқарилиб, 18 та ҳаёт учун хавфли бўлган ишлаб чиқариш ускуналарининг иши тўхтатилди. Ўз вазифасига совуққонлик билан қараганлиги 10 нафар ман-

Муҳит ва шароит

босқичида 360 нафар ўғил-қиз мазмунли дам олди. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, 2001 йил Оналар ва болалар йили деб эълон қилиниши муносабати билан барча йўлланмалар имтиёзли равишда берилмоқда.

«Бухоротекс» корхонаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси 3-4 йилдан бери «Тошкент маъданли сувлар», «Ботаника», «Сўқоқ», «Қумушқон» санаторийлари ва дам олиш уйлари билан шартнома тузган. Унга биноан ҳар йили 100 нафар киши имтиёзли йўлланмадан фойдаланяпти.

Меҳнатни муҳофаза қилиш, ишчи-хизматчиларга етарли иш ва дам олиш шароитлари яратиш бўйича жойларда бир қатор камчилик ва муаммолар ҳам йўқ эмас.

сабдор шахсга жарима солиниб, ишдан четлаштирилди. Шунга қарамай, баъзи бир корхона раҳбарлари ва касаба уюшма қўмитаси раислари меҳнатни муҳофаза қилиш ишларига жиддий эътибор билан қарашни одат тусига киритмаяптилар.

Масалан, «Маҳаллий саноат» хиссадорлик компаниясига қарашли «Хунарманд» масъулияти чекланган жамият маъмуриятига оғоҳлантирилган қарамай ишчи-хизматчиларга етарли меҳнат ва дам олиш шароитлари яратилмаяпти.

Кейинги йилларда бир қатор енгил ва маҳаллий саноат корхоналарининг молиявий аҳоли ноқорлиги сабабли меҳнатни муҳофаза қилишга ажралиб қолган маблағ миқдори камайиб бормоқда. Эскирган ускуналар алмаштирилмаяпти. Электр мосламалар ҳар йилги синовлардан ўтказилмасдан ишлатилаяпти. Буларнинг ҳаммаси охири-оқибатда бахтсиз ҳодисаларнинг рўй беришига олиб келмоқда. Бундай аҳолини Қоровул бозордаги «Хунарманд», Когондаги «Чевар», Бухоро шаҳридаги Нақшбандий, Ромитандаги «Ромитан» корхоналарида учратиш мумкин.

Тармоқда меҳнатни муҳофаза қилиш, ишчи-хизматчиларга етарли меҳнат ва дам олиш шароитлари яратиш билан масалалар муҳокамасига бағишлаб ўтказилган пленумда юқоридagi муаммолар атрофлича муҳокама этилди. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Мастура ҚОСИМОВА, Бухоро вилоят енгил, мебел саноати ва коммунал маиший хизмат ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси.



Олтинсой туманидаги «Зебо» хусусий фирмаси гилам тўқиш, зардўлик, каштачилик ва миллий либослар тиқишга ихтисослашган. Фирма чеварлари ишлаб чиқараётган махсулотларнинг довуғи Сурхон воҳасига кенг ёйилган.

Суратда: фирма раҳбари Малика Мамашарипова (чапда) чеварлар Дилрабо Мирқулова ҳамда Нодира Рашидова билан.

Икром ХАСАНОВ олган сурат.

Ташаббус сўнмасин, ташаббус ўлмасин

СИФАТ КОМИССИЯСИ ҲАРАКАТДА

Шахрисабз мебел очик хиссадорлик жамияти маъмурияти корхонани янада кенгайтиришга ҳаракат қилаяпти. Йил бошида фанерни қайта ишлаш цехи ташкил этилди. Ишлаб чиқариш турларини кўпайтириш, ёшларга касб сирларини ўргатиш ва айни пайтда янги иш ўринлари яратишда маъмурият билан касаба уюшма қўмитасининг тадбиркорлиги жуда асосли. Жамоа аъзолари жорий йилнинг 6 ойида режани икки баробар қилиб бажаришди. Ёки 17,5 миллион сўм ўрнига 52 миллион сўмлик махсулот тайёрлаиб, аҳоли ва ташкилотларга сотилди.

Бундай ютуққа Шариф Тилолов, Шавкат Рўзиев, Шокир Сатторов, Зиёд Халилов, Райим Шокиров каби ишчилар баракали ҳисса қўшмоқдалар. Корхона маъмурияти бартер йўли билан Россия ва Тошкент шаҳарларидан ёғоч, тахта, ДСП, ҳар хил хом ашё олиб келиб, улардан ноёб, сифатли махсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқда. Улардан Қарши, Тендер маркази ҳамда вилоят ҳокимлигида кўрғазмалар ташкил этилди.

— Ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш, кам таъминланган оила ва ногиронларни қўллаб-қувватлаш биринчи даражали вазифамиздир, — дейди корхона касабакўми раиси Тўлқин Тўраев. — Корхона жойлашган маҳалланинг «Ширин» футбол жамоаси фаолиятини яхшилаш учун 100 минг сўм ёрдам уюштирилди. Ногирон фарзанди борларга, кам таъминланган оилаларга тўй ва маъракалар учун баҳоликдурат

қўмак берилмоқда. 100 минг сўмлик маблағ эса мукофотлар учун тақсимланди. Касаба уюшма бошланғич ташкилоти ташаббус билан бош муҳандис Зокир Эгамов етакчилигида сифат комиссияси иш олиб бормоқда. Унинг вазифаси энг сифатли махсулот ишлаб чиқарган цех жамоасига махсус мукофот тавсия этишдан иборат.

Ишчилар соғлигини муҳофаза қилиш бўйича бир қатор тадбирлар амалга ошириляпти. Чунончи, ходимлар техника билан ишлаш бўйича йўриқномалар билан муттасил таништириб борилмоқда. Оғир ишда ишловчилар сут-қатиқ, махсус кийим-кечак билан таъминланган. Бир сўз билан айтганда, корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ҳамкорлигида ишловчиларнинг яшаш ва меҳнат шароитлари тобора яхшиланиб бораётгани натижасида корхона иқтисодий жиҳатдан тобора мустақамланиб бораётир.

Х.ТўРАЕВ.

МЕВА—САБЗАВОТ БЕПУЛ

Жиззах шаҳридаги иқтисодиёт коллежининг ёрдамчи хўжалигидаги 12 гектарли ерда олма, шафтоли, ўрик, олхўри каби мевалар етиштириб келинмоқда. Маъмуриятнинг ўтган йилги касаба уюшма қўмитаси билан тузган жамоа шартномасига асосан коллеж ишчи-хизматчиларига 700 килограмм олхўри, 1 тонна олма, 500 килограмм

шафтоли бепул тарқатилди.

Касаба уюшма қўмитаси раиси Рўзимурод Зокировнинг айтишича, бу йил ҳам боғдаги мевалар ҳосилининг чўғи зўр. Демак, ишловчилар ўтган йилдаги миқдордан кўпроқ махсулотлардан баҳраманд бўладилар.

Б.ШЕРМАТОВ.

Ёнбош Каттакўрғон туманининг «Мойбулоқ» ширкат ҳўжалигидаги каттагина қишлоқ. Бу ердагиларни бир нарса ўйлантириб келади. У ҳам бўлса қишлоқдошлари Ашуровлар ва Хайдаровлар ўртасидаги келишимчилик. Оқсоқлар яқин қариндош бўлган бу икки оилани яраштириб қўйишга қўқ бор уринишда. Бўлмади. Оқибатда гоҳ у томон, гоҳ бу томон ёз-ёз қилади.

Галдаги келишимчилик Тошмурут Ашуров ва бошқалар имзоланган «Мойбулоқ» ҳўжалигининг 2-бўлими бошқарувчиси бўлиб ишлаган Ахрор Хайдаров устидан ёзилган хатдан бошланди. Шу баҳона А.Хайдаров вазифасидан четлаштирилди. Бўлимида от қичқимида айбланиб терговга тортилди, судма-суд саргардон бўлди. Хўш, текширув ҳолисона ўтказилганмиди? Бу саволга бирдан «ха» деб жавоб бериш қийин.

— Хўжалик маъмуриятининг 14 мартдаги қарори куйидагиларга асосан нотўғри чиқарилган, — дейлади туман касаба уюшма қўмитаси ҳўқуқшуноси Х.Холдоров томонидан ўтказилган текширув ҳулосасида: А.Хайдаров «Мойбулоқ» жамоа ҳўжалигининг 2000 йил 20 мартдаги 20-сон буйруғи билан 1998-99 йилларда ишлаган даври учун меҳнат таълиғи чиққан. Қонун талаби бўйича ходим меҳнат таълиғи чиққанда унинг иш жойи, лавозими, ойлик маоши сақланади. Бу даврда ходимни ишдан бўшатишга йўл қўйилмайди.

Лекин амалда бундай бўлмади. Ахрор Хайдаров меҳнат таълиғининг дастлабки қўнларидеяқ ноқонуний равишда хизмат вазифасидан четлаштирилди.

Энди туман ҳокими М.Худоберовнинг 2000 йил 24 мартдаги вилоят прокурори номига йўллаган мана бу хатига эътибор беринг: «Каттакўрғон туман ҳокимлиги «Мойбулоқ» жамоа ҳўжалиги 2-бўлими бошлиғи А.Хайдаровнинг қонунбузарликлари тўғрисидаги 15.03.2000 йил 7/17.00 сонли тақдимномангизни кўриб чиқди. «Мойбулоқ» жамоа ҳўжалиги бошқаруви Хайдаровнинг тақдимномасида кўрсатилган қонун бузилишлари учун вазифасидан озод қилган».

Буни қандай тушуниш мумкин? Ахир Хайдаров тақдимнома ёзилмасдан бир кун олдин 14 мартда вазифасидан бўшатирилганми?

Туман ҳокимлигининг ноҳилис йўл туғганини тасдиқловчи далил фақат бу эмас. Ахрор Хайдаров ва бошқа бир гуруҳ фуқаролар томонидан тахририятимизга йўлланган хатда айтилишича, Тошмурут Ашуровга тегишли бўлган Ёнбош қишлоғидаги хусусий бозорда патта тушуми яшириниб, ойлик режа мунтазам бажарилмасдан келинган. Ҳолбуки, вилоят солиқ бошқармаси, туман солиқ инспекцияси томонидан ўтказилган текширувларда мазкур бозорда бундай қонунбузарликлар борлиги амалда исботлан-

Ҳақ-ҳўқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик

«Мойбулоқ» ижара ҳўжалигининг 1995 йил 20 февралдаги қарорини тасдиқлаш юзасидан 1995 йил 20 февралдаги қарори ўзбошимчилик билан ижро этилиши, хўжалик мулкнинг талон-тарож қилинишига олиб келган. Гарчи қарорда «Фойдаланилмайдиган ердан» деб аниқ-равшан кўрсатилган бўлса-да, Т.Ашуров хўжаликка тегишли шартли сугориладиган тўзори кўз остига олган. «1994 йил охири, 1995 йил бошларида Ёнбош қишлоғида сой бўйида бозор

шартлари билан санаб топилган. Ўтган йилнинг 6 декабрида қайта ўлчаб чиқилишида 1,10 гектар ер майдони ўраб олинганини, шундан 0,87 гектаридангина шу кеча-кундузда фойдаланилаётганини аниқлади».

Бундан чиқди қарор бошқа, амалдаги иш бошқа экан-да.

Энг қизиғи, қалтак келиб-келиб яна бўлим бошлиғи Ахрор Хайдаров бошида синди. Сугориладиган, сим тўсиқ билан ўралган тўзорда бозор қури-

мол чикими хўжалик маъмурияти томонидан вақтида озука етказилмаганлиги оқибатда содир бўлди деб қайта-қайта таъкидлашга қарамастан, асосий айбдор хўжалик мутасаддилари ўрнига негадир ижорачи бўлим бошлиғи кўпроқ жазо олди.

Ахрор Хайдаровнинг шикоят хатида, шунингдек Т.Ашуров қариллик нафақаси олишига қарамастан бозорқўм сифатида ойлик олаётгани ҳам айтиб ўтилган. Амалда эса Тошмурут Ашуров уруш ногиронлари, қатнашчилар

қилади: Самарқанд вилоят ижроия қўмитасининг архив фондида 1941-1945 йиллардаги «Шавкатли меҳнати учун» медал билан мукофотланганларнинг Ҳатирчи тумани Қўрғонча с/с Ворошилов колхози рўйхатида қуйидаги ёзув қайд этилган.

64. Ашуров Ташмурут кол. Ворошилов, 1930 ишлаган йили. Гувоҳ. № АИ 035284, 16/ХИ.451. Асос: 74 арх. фонди, 1-рўйхат 6184-ҳужжат, 47-варақ».

Хўш нима бўпти, ҳаммаси рисоладагидек дейсизми? Қизиғи шундаки, туман ижтимоий таъминот бўлимидан берилган маълумотда Ашуров Тошмурут 1933 йилда туғилган деб кўрсатилган. Архив ҳужжатида эса 1930 йилда ишлаганлиги баён қилинмоқда. Бу номутаносиблик эмасми. Энди 1930 йилда ишлаган киши нечанчи йилда туғилган бўлишини ўзингиз тасаввур қилиб кўраверинг...

Узаро низо, гина-ю-қудурат бор жойда аҳиллик, меҳру оқибат йўқолади, барака кўтарилади. Боз устига Ахрор Хайдаровнинг чекланган ҳақ-ҳўқуқини энди ким тиклайди? Инсон ҳамма нарсага чидаши мумкин, лекин адолатсизликка асло чидай олмайди. Шундай экан, бу масалада ҳам адолатли тўхтама қилиниши керак.

Ҳамда уларга тенглаштирилган шахсларга берилган имтиёзлардан фойдаланилмади. 1999 йилнинг дастлабки беш ойи учун маош ҳам олган. Бунга ҳеч ким қарши эмас, меҳнат қилгани, қандини урсин. Бироқ ҳужжатлардаги номутаносиблик ҳар қандай кишини ҳам ажаблантириши табиий. Самарқанд вилоят ҳокимлиги Архив бўлими томонидан Тошмурут Ашуровга юборилган ҳужжатда шундай сатрларни ўқиймиз: «Самарқанд вилоят давлат архиви сингнинг... аризангизни кўриб чиқиб, қуйидагиларни маълум

МЕҲНАТ ТАЪТИЛИ

даврида вазифасидан бўшатилади

27,3, мартда 27, апрелда 30,8, майда 25, июнда 39, июлда 54,8, августда 66,5, сентябрда 98,3, октябрда 105,8, ноябрда 94 минг сўмга бажарилган. Қўрияттики, режа фақат октябр ойидагина удаланган, ҳолос...

Туман ҳокимлиги ўзи қабул қилган қарорлар ижросини таъминлашга ҳам сўст ёндошмоқда. Жумладан, «Мойбулоқ» ижара ҳўжалиги аъзоси Ашуров Тошмурутга Ёнбош қишлоғининг фойдаланилмайдиган ердан бозор қуриш учун бир гектар, ер майдони ажратиш ҳақидаги

бўлар эди, — дейди хўжалик ер тузувчиси С.Турсунов. — Лекин туман ҳокими (собиқ ҳоким назарда тутилмоқда) келиб хўжалик раҳбарлари, бўлим бошқаруви ва бўлим оқсоқоллари билан келишган ҳолда 280 контурдан хўжалик иккинчи бўлими ҳисобидан турган тўт плантациясидан ўлчаб берилишни лозим топилган ва шунга асосланган мен шу контурда жойлашган тўт плантацияси ўрнини (сийрақлашиб қолган эди) харита қилиб ўлчаб берган эдим. Хўжалик агрономи тутларни қўпормаслик, ишлов бериш

либ, бирин-кетин иморатлар қад ростлаган бўлса-да, 380 контур яна хўжаликнинг иккинчи бўлими балансида қолаверди. Унинг туман ҳокимига тўзор талон-тарож қилинаётганини тўғрисида ёзган аризалари жавобсиз қолаверди.

Хўжалик устидан бўлган текшириш ва тергов жараёнида мазкур бўлимининг йилкичилик отарида от камомати аниқланди. Жиноят албатта ошқор қилиниши, айбдор жазосини олиши керак. Қонун барча учун баробар. Лекин терговда ва судда отбоқар

Бешариқ касб-хўналар коллежи бугунги кунда нафақат республикамизда, балки Марказий Осиёда етакчи билимгоҳлардан. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига мувофиқ қишлоқ хўжалиги касб-хўналар коллежига айлантирилгандан сўнг, уни қайта таъмирлашда 200 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Шу билан бирга 100 миллион сўмлик турли хил техник воситалар, 13 та компьютер, 25 та телевизор, 6 та магнитофон,

КОЛЛЕЖГА ҲАВАС ҚИЛИШАДИ

«Отайўл» автоулов, турли хил қишлоқ хўжалик техникалари келтирилди. Мавжуд ўқув хоналари ва лабораториялар қайта жиҳозланди, диктафон хонаси ташкил этилди.

Қувончли томони шундаки, коллежни Осиё Тараққиёт банки 45 та ўқув юртлари қаторида ўз ҳомийлигига олган. Банк лойиҳасига мувофиқ 1 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилиб, «Кейс», «Магнум», «Отайўл», «Тико», «Дамас», мевани қайта ишлаш заводи ускуналари, умумтаълим фанлари оид кўрғазмалар, техника воситалари ажратиш кўзда тутилган.

Шунингдек, лойиҳада коллежлар раҳбарлари, муҳандис-педагог кадрларнинг чет элларда малакасини ошириш ҳам ўз ифодасини топган. Айни кунда бу ерда 30 нафар олий маълумотли ўқитувчи, 33 нафар олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган ишлаб чиқариш таълими усталари фаолият кўрсатаяпти. Улар Тошкент шаҳрида малакаларини ошириб, коллежда ишлаш ҳўқуқини берувчи сертификатга эга бўлишди.

А. ТўХТАСИНОВ,

Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» муҳбири.

ПЕНСИЯ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

Саволингизга ҳуқуқшунос Карим МУХТОРОВ жавоб беради

САВОЛ: *Имтиёзли пенсияга чиқиш ва ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби тўғрисида тушунча беришингизни илтимос қиламиз.*

Бир гуруҳ пенсионерлар, Беруний тумани.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг 9, 11, 12-моддалари ва Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сонли Қарори билан тасдиқланган 2-ҳамда 3-сонли рўйхатларига асосан меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ҳамда зарарли ва оғир ишларда тўлиқ иш кунни давомда банд бўлган ходимларга, шу жумладан, тиббиёт ходимларига ёшга доир пенсияга чиқиш учун қонунда белгиланган ёшнинг 10 йил ва 5 йилга қисқартирилган имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқи берилган.

Қонуннинг 7, 121-моддаларига биноан эрақлар — 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 25 йил бўлган тақдирда, аёллар — 54 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикасининг «Аёллар йили» муносабати билан 1999 йил 14 апрелдаги «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги Қонунини кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Бу қонунга мувофиқ, ходим давлат ижтимоий сугуртасидан ўтказилиши лозим бўлган ишларда камида 20 йиллик иш стажига эга аёллар 54 ёшга тўлганда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Яна шунга алоҳида эътибор бериш кераки, 54 ёшда пенсияга чиқиш ҳуқуқи аёлнинг ўз истаги бўлган тақдирдагина амалга оширилиши мумкин. 54 ёшга тўлганлигини асос қилиб кўрсатиб, иш берувчи томонидан аёлларни мажбурий вази-

хат олган шахсларга тўлиқ миқдорда;

— булардан ташқари ишловчи пенсионерларга тайинланган пенсиянинг эллик фоизи миқдорда.

Қонунчилигимизда пенсия олиб ишлаётган айрим ходим-

шер, доя (акушерка), лаборант, рентгенолаборант, инструктор, тиббий статист, тиш техниги, тиббий-ижтимоий ходим;

— операцион тиббий ҳамшира, тиббий ҳамшира - анестезист, туғруқ уйи (бўлим)нинг дояси;

эга бўла туриб Фармонда кўрсатилмаган лавозимда ишласа, унга пенсия 50 фоиз миқдорда тўланади.

Ушбу тартиб имтиёзли шартларда, яъни «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунда белгиланган ёшдан (54 ёшдан) олдин пенсияга чиққан аёлларга ҳам қўлланилади.

Меҳнат вазирлигининг 1996 йил 30 апрелдаги 202/04-1-сон ва Ижтимоий-таъминот вазирлигининг 1996 йил 30 апрелдаги 669/05-сон қўшма тушунтиришларига асосан ишловчи пенсионерларга розилликлари билан икки ойлик муддатга меҳнат шартномаси асосида ишга ўтказиш ва шу икки ой давомида тўлиқ пенсия олиш ҳуқуқи берилган ҳамда 1996 йилдан 2001 йилнинг 1 январига қадар ҳуқуқдан фойдаланиб келинган эди.

Меҳнат ва Ижтимоий-таъминот вазирлигининг 2000 йил 5 декабрдаги қўшма хатига асосан бу вазирликларнинг 1996 йил 30 апрелдаги «Ишловчи пенсионерларга йилда икки ой давомида тўлиқ пенсия тўлаш тўғрисида»ги қўшма тушунтиришлари Адлия вазирлигида ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтмаганлиги туфайли 2001 йилнинг 1 январидан ўз кучини йўқотган, деб ҳисобланган.

Бу қўшма хатда икки ойгача меҳнат шартномаси билан ишлаётган пенсионерларга пенсия тўлаш Ижтимоий-таъминот, Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий сугурта жамғармалари томонидан ишлаб чиқилиб, Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланган ва 1995 йил 12 декабрдаги Адлия вазирлигидан 198-рақам билан давлат рўйхатидан ўтган «Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби»нинг 31-бандида назарда тутилган талабга қатъий риоя этилган ҳолда амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган.

Демак, агар шахс ёшга доир ёки III-гуруҳ ногиронлиги туфайли пенсия олаётган ва ҳеч қаерда ишламаётган бўлса, улар бир йил давомида икки ойгача муддатли меҳнат шартномаси билан ишлаш ва бу даврда тўлиқ пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар. Ходим бу икки ойлик муддатдан бўлиб-бўлиб фойдаланиши мумкин.

Жавобимизнинг охирида пенсия миқдори оширилганлиги тўғрисида маълумот бериб ўтмоқчимиз:

Яъни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йилнинг 29 июнидаги «2001 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони асосан 2001 йилнинг 1 августидан бошлаб барча турдаги пенсиялар ўрта ҳисобда 1,45 баравар оширилди ва ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдори 6780 сўм қилиб белгиланди.



лар тўлиқ пенсия олиш ҳуқуқига ҳам эга эканликлари кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йилнинг 17 мартда «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чоралар тадбирлар тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармонга биноан 1999 йилнинг 1 июлидан бошлаб, аёллар ёшга доир пенсияга чиққан кейин ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари, провизорлар, ногирон болаларнинг интернатлари, «Меҳрибонлик» уйлари тарбиячилари, шунингдек, кутубхоначилар ишлаши давом эттираётган ва пенсияга чиқиш олдидан мазкур, кўрсатиб ўтилган мутахассисликлар бўйича камида ўн йил стажга эга бўлган ҳолларда уларнинг тўлиқ миқдорда пенсия олиш ҳуқуқи сақлаб қолинган.

Кўрсатиб ўтилган мутахассислар куйидаги лавозимларда ишлаганда пенсияни тўлиқ миқдорда олиши мумкин. Бу Ўзбекистон Республикасининг Ижтимоий таъминот, Меҳнат ва Молия вазирликлари томонидан 1999 йилнинг 31 май кунини тасдиқланган «Ёшга доир пенсияга чиққан кейин ишлаётган аёлларга пенсияларни тўлиқ миқдорда тўлаш тартиби» да куйидагича белгиланган:

— Урта ва кичик тиббиёт ходимлари (корхоналарнинг бўйсунушидан қатъий назар):

— тиббий регистраторлар, дезинфектор;

— барча турдаги тиббий ҳамширалар, «Меҳрибонлик» уйлари тиббий ҳамшираси, фельд-

— санитар-шифокор, эпидемиолог-шифокор, паразитолог-шифокорларнинг ва энтомологнинг ёрдамчилари;

— катта тиббий ҳамшира, фельдшер, доя, ФАПнинг фельдшер ва дояси, тез ёрдам подстанциясининг фельдшери;

— ҳамшира иши мутахассиси;

— санитарка, энага, энага-санитарка, овқатлантирувчи;

— беморларга қаровчи кичик тиббий ҳамшира;

— хўжалик бекаси, бошқа ўрта ва кичик тиббий ходимлар.

Провизор:

— барча турдаги муассасалар (корхоналар) провизорлари.

«Меҳрибонлик» уйлари ва ногирон болалар интернатлари;

— кўрсатилган уйларида ҳамда гўдақлар уйларидаги катта тарбиячилар ва тарбиячилар;

Кутубхоначи:

— бош кутубхоначи, етакчи кутубхоначи, кутубхоначи, бош библиограф, етакчи библиограф, библиограф.

Кўрсатилган мутахассислиги бўйича талаб қилинган иш стажининг давомийлиги кўрсатиб ўтилган барча лавозимлардаги иш даврлари ҳисобга олиб аниқланади.

Бунда, аёл пенсияга чиқиш олдидан Фармонда кўрсатилган лавозимларда 10 йиллик иш стажига эга бўлса ва пенсияга чиққан кейин ҳам Фармонда кўзда тутилган мутахассисликлардан бири бўйича ишни давом эттираётган бўлса, унга пенсия тўлиқ миқдорда тўланади. Агар аёл пенсияга чиқиш олдидан Фармонда кўрсатилган лавозимларда 10 йиллик иш стажига эга бўлмаса ёки 10 йиллик стажга



фасидан озод қилинишига асло йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 ноябрдаги Фармони асосан 1996 йилнинг 1 январидан бошлаб ишлаётган пенсионерларга куйидаги миқдорда пенсия тўланадиган бўлди:

— Уруш қатнашчилари ва ногиронлари, уларга тенглаштирилганларга, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари ва Чернобил фалокатидан жаро-

Саволларингизга ҳуқуқшунос Гулнора Муродова жавоб беради

САВОЛ: *Мен болаликдан 1-гуруҳ ногирониман. Ҳеч қанақа меҳнат стажим йўқ. Оладиган пенсиям 4675 сўмни ташкил этади. Пенсиямга қўшимчалар қўшиладими?*

Абдуразоқ Зулфиноров, Косон тумани, «Қингир тоғ» жамоа хўжалиги.

ЖАВОБ: Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 июндаги №319 сонли қарори билан тасдиқланган «Болаликдан ногиронларга ҳамда пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган қарияларга, меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан 1994 йил 1 июлдаги ҳолатига қадар тайин-

ланган 16 ёшгача бўлган ногирон болалар ҳамда I-II-гуруҳ болаликдан ногиронларга ижтимоий нафақа тайинланиб, уларнинг миқдори ёшга доир энг кам пенсия миқдори билан тенглаштирилган. Ҳозирги даврда ёшга доир энг кам пенсиянинг миқдори 4675 сўмни ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 29 июндаги 2893-сонли «2001 йил 1 августидан бошлаб иш ҳақи, стипендиялар, пенсиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони асосан сизнинг нафақангиз 2001 йил 1 августдан 6780 сўм қилиб белгиланди. Мажбур қонунларимизда болаликдан 1 гуруҳ ногиронларига қўшимча ҳақ назарда тутилмаган.

САВОЛ: *Менинг биринчи фарзандим икки*

ёшга тўлмасдан, иккинчи фарзандим учун декрет пули олдим.

Декрет пули туғруққа 2 ой, туғруқдан кейин 2 ой ҳисобда берилди. Шу 4 ой давомида болам 2 ёшга тўлгунча қадар биринчи болам учун ҳам болалар нафақаси пулини беришди.

Уша 4 ойлик декрет пулини ҳамда биринчи боламга 2 ёшгача бериладиган болалар нафақасини олганлигим учун эндиликда иккинчи болам учун бериладиган нафақа пулидан қайтариб қолапти. Шу тўғрими?

Бир вақтнинг ўзига 2 ёшга тўлмаган болам учун бериладиган болалар нафақаси ҳамда «декрет» пули олиш мумкинми? Мукаррам Шерматова, Каттакўрғон шаҳри.

ЖАВОБ: Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 4 сентябр 489-сонли рақам билан рўйхатдан ўтган «Бола икки ёшга тўлгунча қадар уни парвариш учун ҳар ойлик нафақа тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан ишлаётган оналарга бола 2 ёшга тўлгунча қадар бериладиган нафақа хомилдорлик ва туғиш таътилининг сўнги кунидан бошлаб то бола 2 ёшга тўлган ойни ҳам ҳисобга олган ҳолда тўланади. Бола парвариши учун нафақа тўлови куйидаги ҳолларда бекор қилинади:

1. Парвариш қилинаётган бола 2 ёшга тўлганда;

2. Бола тўлиқ давлат таъминотида махсуслаштирилган муассасага (гўдақлар уйига) жойлаштирилганда;

3. Бола вафот этганда;

4. Оила бола билан бирга доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқиб кетганда;

5. Боланинг онаси ишга тушганда (бунда она тўлиқ бўлмаган иш вақти ёки иш берувчи билан келишишда катта ишлаган даврда иш ҳақи билан бола парвариш учун нафақани тўлиқ олишлари мумкин).

Юқорида кўрсатилган ҳолатлардан ташқари бола парвариш учун нафақа тўловини тўхта-тиш мумкин эмас.

Хомилдорлик ва туғиш бўйича сиз иккинчи фарзандингиз учун хомилдорлик ва туғиш бўйича нафақа олсангиз биринчи фарзандингизни парвариш учун нафақа тўловига таъсир этмайди.

Пойтахтнинг Мирзо Улугбек туманидаги ёғ-мой таъминоти ҳиссасдорлик жамияти омилкорлари корхонани янада кенгайтириб, тадбиркорликни ривожлантиришга астойдил бел боғладилар. Аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган бир неча хил озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, ёғ қадоқлаш, чанқовбосди ичимликлар улгуржи савдосининг ташкил этилиши натижасида 40 нафар ишчи иш билан таъминланди.

КОРХОНА ТАДБИРКОРЛАРИ

Юртбошимиз «Агарда кимда-ким, бозор мен учун доимо қулайлигига қолади, маҳсулотимга талаб бундан буён ҳам узоқ йиллар давомида ўзгармай тураверади, деб ўйласа, катта хатога йўл қўяди», деб бежиз таъкидлаганлари йўқ. Чунки ҳозирги рақобатчилик асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сони тобора кўпайиб, ҳар қандай ман-ман де-ган корхона ортида қолдириши ҳеч гап эмас. Буни яхши англаган жамият мутасаддилари бугунги ишлаб чиқараётган маҳсулотлари қанчалик харидор-

гир бўлишига қарамай, яна қўшимча цех ташкил этиб, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ниятидалар. Бундай йўл тутуш йил охиригача ишчилар сонининг 100 нафарга етишини таъминлади.

Цехларга кирсангиз, саранжом-саришта, кенг ва ёруғ хоналарда ўз ишларидан мамнун ишчиларни кўриб кўзингиз қувонади. Дам олиш хонасида телевизор, радио, қизиқарли китоблар, шахмат-шашка мавжуд. Овқатланиш учун барча шарт-шароитлар етарли. Меҳнат-кашларни ижтимоий ҳимояси билан бевосита


шугулланиб келаётган касабакўм раиси Нодира Азимова қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Ҳар йилнинг бошида маъмурият билан ҳамкорликда жамоа шартномаси тузиб, умумий йиғилишда тасдиқлаб оламиз. Бу ҳужжатга биноан ишловчиларга энг зарур шароитлар яратамиз. Мазмунли хордиқ чиқаришларини таъминлаймиз. Сихатгоҳларга борувчиларнинг эҳтиёжи тўлиқ қондириб келинмоқда. Шу йилнинг ўтган ярмида болалар оромгоҳларига 14 та йўлланма бердик. Дам олиш уйлари, пансионатга йўлланмалар бемалол. Тарихий жойларга савҳатлар уюштирилмоқда. Ҳар қалай, меҳнаткашлар ҳимояси манфаатлари учун баҳоли-қудрат ҳаракат қилияпти.

Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади, деганларидек, ишингиз кўзин билган тадбиркор ҳеч қачон кам бўлмайди. Шу ўринда ёғ-мой таъминоти ҳиссасдорлик жамияти ишидан ўрناق олса арзийди.

О.САИДОВ, «Ишонч» мухбири.

ЙЎЛ РАВОН — МАНЗИЛ ЯҚИН



Бугунги кунга келиб мамлакатимиз автомобиль йўллари таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Ҳозирги йўллари мутлақо аввалгиларига солиштириб бўлмайди. Негаки, кейинги йилларда бу соҳага ҳам жиддий эътибор берилди бошланди. Замонавий техника воситалари билан таъминланди. Эриш-лаётган ютуқларда ил-ғор йўлсозларимиз хизматлари катта, албатта.

Жумладан, Чиноз тумани автомобил йўллари бошқармасига 192 километри йўл қарайди. Уларнинг 54 километри халқаро, 23 километри республика, 96 километри вилоят аҳамиятига эга. — Жорий йилнинг 6 ойи мобайнида уларни таъмирлаш, янгиларини барпо этиш учун 202 миллион 735 минг сўмлик маблағ сарфланди, — дейди бошқарма бошлиғи Равшан Салимбеков.

Йўлларнинг ҳолатини сақлаш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, белгилар қўйиш, бекетларни таъмирлаш йўлсозларнинг асосий

вазифаларидир. Чинозликлар эса аъло даражада бунинг уддасидан чиқаяптилар.

Тошкент йўл қурилиш конструкциялари ва материаллар ишлаб чиқариш корхонасига қарашли цехдан асфалт олинади. Чунки, Чиноз аэтиўл бирлашмаси мазкур цехнинг асосий истеъмолчиларидан бири ҳисобланади.

Ҳа, жамоа меҳнатининг натижаси чакки эмас. Ўтган йили 3 миллион 980 минг сўм соф фойда олинди. Ишчиларга ойлик маош ўз вақтида бериб борилапти. Улар қўшимча моддий ва маънавий рағбатланти-

рилаяпти.

Айни кунларда Чиноз туманида тўқимачилик фабрикаси ишга таъмирлиши муносабати билан М-34, М-39 йўллари кенгайтирилиб, таъмирдан чиқарилаяпти. Йўлсозларнинг шу кунларда жадвал саъй-ҳаракат қилишларидан асосий мақсад — республикамиз мустақиллигининг 10 йиллик тўйига муносабат тўёна ҳозирлашдир.

Акмал АЛЛАМУРОДОВ, «Ишонч» мухбири.

Суратларда: 1. Асфалт ишлаб чиқариш цехи бошлиғи Акмал Партиева (чапдан) операторлар Сергей Маришин ҳамда Рамиз Рамазоновлар билан келгуси режалар хусусида суҳбатлашмоқда. 2. Йўл таъмирланмоқда.

Х.МИРЗАКАРИМОВ олган суратлар.



Жондор туманидаги «Зарафшон», «Ўзбекистон» ва Махмуд Торобий номидаги ширкат хўжаликлари деҳқонларининг кайфияти бўлачак. Экинзорлар, айниқса гўза сувга маҳтал бўлган шу кунларда янги қурилган «Зарафшон» канални тўлиб оқа бошлади. 15 километр узунликдаги канални барпо этиш осон кечгани йўқ. Гап шундаки, уни темир йўл остидан ва «Денгизкўл» зовури, Қоракўлдарё устидан ўтказишга тўғри келди.

КАНАЛ ТЎЛИБ ОҚМОҚДА

Иншоот қурилиши учун 660 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Каналнинг 6,3 километрини «Амубухороканалқурилиш» ҳиссасдорлик жамияти қурувчилари барпо этди. «Бухоросувқурилиш» трести жамоаси ҳам канал қурилишида катта ҳажмдаги ишларни бажарди. Бухоро йўл-кўприк бошқармаси эса 2 та кўприк қурди. Ҳозирча янги канал 2,5 минг гектар ердаги экинзорларга сув етказиб бермоқда. Кейинчалик «Зарафшон» каналининг иккинчи навбати қурилиши билан Моҳон мавзесида яна 5,5 минг гектар ерни ўзлаштириш имкони туғилади.

ОЙЛИККА БАРАКА КИРДИ

Мамлакатимизнинг гарбий дарвозаси ҳисобланган Қўнғирот шаҳридаги автомобил йўллари қуриш ва фойдаланиш бошқармаси аҳил жамоаси ҳам мамлакат мустақиллигининг 10 йиллигини аjoyиб ютуқлар билан кутиб олмақда. Уларнинг кучи билан амалдаги йилнинг ўтган даврида белгиланганидан анча кўп, яъни салкам 70 километр масофадаги йўллар таъмирланди, асфалт қилинди. Натижанда, 7,427 минг сўмлик соф фойда олинди, иш ҳақи бир ярим ҳисса кўпайди. Йўлсозлар мамлакатимизни гарбдаги давлатлар билан бобловчи Устюрт узра ўтувчи «Қўнғирот-Бейнеу» йўлининг бизнинг ҳудуддаги қисми доимо хавфсиз бўлишига алоҳида эътибор бермоқда.

(У.А.)

Зардуштийлик динининг бош китоби «Авесто»нинг дастлабки қисми Хотлар ёки Готлар деб аталади. 72 бобдан иборат бу бўлимда пайгамбар Зардуштийнинг Саблон тоғида кечган ҳаёти, ун йил давомида тангри Ахурамаздани таърифлаб ёзган шеърлари, тангри билан рухий мулоқотлари жамланган. Бир қараганда мазкур қисмдаги барча шеърларда фақат тангри мадҳи ифодалангандай кўринади. Аслида эса готларнинг мазмуни ҳам, улардан кўзланган мақсад ҳам ранг-баранг, кўп қирралидир.

Дастлаб шуни таъкидлаш керакки, ҳақиқатда ҳам мазкур шеърларда зардуштийлик динининг фарз ва суннатлари, уларни бажариш қоидалари, диндорларни амалда собит эътиқодли бўлишга даъват батафсил ифодаланган. Эътиқодда ҳам, бевосита иш фаолиятида ҳам, турмуш тарзи жараёнида ҳам ҳалол, поксийрат, маърифатпарвар, инсонни қомиллик сари курашга ундаш гоёси готларнинг туб моҳиятини ташкил этади. Бир сўз билан айтганда, ушбу қисмда «Авесто»нинг дастурий жиҳатлари

ГОТЛАР СЕҲРИ

мужассамлашган, дейиш мумкин. Зероки, китобнинг кейинги қисмларида готларда акс эттирилган масалаларнинг баъзилари мукамалроқ изоҳланган. Шунинг учун ҳам готларда даврнинг барча жабҳаларига доир мулоҳазаларни учратиш мумкин. Бундан ташқари, ушбу шеърлар катта маънавий, маърифий аҳамиятга эга бўлиб, уларда турли қавмларни тотувликка, аҳдига вафодорликка, чин сўзли бўлишга даъват этиш, қароқчилар, Ватан хоинла-

рига қарши курашга, бу йўлда собитқадам бўлишга, бирликка чорлов хийла кучли.

Готларда муаллимнинг жамиятда тутган ўрни, ёш авлодни

«Авесто»нинг 2700 йиллигига

Шу билан бирга бир неча бандда илоҳий кучга эга бўлган, осмоний неъматлардан тайёрланган шарбат Хум таърифи ҳам берилган. Жамшид, Отибин, Сом, Пурушасплар

динининг таъриф ва тасвифи ҳам готлар қисмида батафсил берилган. Улар катта маърифий аҳамиятга эга. Зардуштийликни биринчи бўлиб қабул қилганлардан бири шундай дейди: «Мен шунинг учун ҳам маздопарастлик динига ишонманки, у урушнинг олдини олади, жангариларнинг танобини тортиб, қариндош-уруғчилик, ҳамкорликда яшашни буоради».

Готларнинг тарихий аҳамияти ниҳоятда катта. Чунки улар зардуштийлик дини шартлари, қонун-ҳукмлари ҳақида маълумот бериш билан бирга, ўша давр иқтисодий, ижтимоий, маърифий қарашларининг кўп жиҳатларини ўрганиш учун ҳам ноёб манба ҳисобланади.

Ҳамиджон ҲАМИДОВ,
профессор.

РАҚСГА БАҒИШЛАНГАН КИТОБ

Истиқлол йилларида мамлакатимизда санъатнинг барча турлари каби рақс раванга ҳам катта эътибор берилмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, миллий рақсимизнинг аслар оша сайқал топиб келган, лекин шўро замонидан унутлаётган аъёнлари қайта тикланмоқда. Таниқли санъатшунос олим Л.Авдеевнинг «Ўзбек миллий рақси тарихидан» китоби ҳам ана шу мавзуга бағишланган.

Пойтахтимиздаги «Баҳор» концерт залида мазкур китобнинг тақдими бўлди. Унда муаллиф томонидан узоқ йиллар мобайнида астойдил ўрганилган ўзбек рақсининг тарихий илдизлари, ривожланиш тарихи, рақс мактабларининг шаклланишига оид қизиқарли маълумотлар ўрин олган.

(Ў.А.)

Оролбўйининг кун сайин чирой очиб бораётган Бўстон шаҳридаги юбилей иншоотлари билан бири — Молия-бизнес маркази биноси фойдаланишга топширилди. Эндиликда барча зарур қулайликларга эга бўлган ёруғ хоналарда Миллий банкнинг туман бўлими ва туман молия бўлими ходимлари иш бошлайдиган бўлди. Шу кунги шаҳар марказида мини-маркет ҳам аҳолига савдо хизмати кўрсатишни бошлади.

БЎСТОН БАЙРАМГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Ана шу муносабат билан кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида бўлиб ўтган тантаналарда Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов бошчилигидаги мамлакатимизнинг бир гуруҳ шоирлари ҳам қатнашди.

Шеърят байрами иштирокчиларининг катта муваффақият билан уюштирилган «Нафосат бўстоним маним» ёшлар фестивали ҳамда Ўзбекистон, Қорақалпоғистон, Туркменистон, Татаристон халқ артисти, давлат муқофотлари совриндори, бетакрор санъаткор Отажон Худойшукуров хотирасига бағишланган ёш ижрочиларнинг II республика кўрик-танлови Бўстон шаҳридаги санъат саройи ҳамда амфитеатрга йиғилган минг-минглаб томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Ёшлар фестивали ва кўрик-танлов Мустақилликнинг ўн йиллигига бағишлаб ўтказилганлиги, унда мамлакатимизнинг атоқли шоирлари ҳам қатнашганлиги бизда фахр ҳиссини уйғотади, — дейди кўрик-танлов жюри аъзоси, Қорақалпоғистон Маданият ходимлари қасаба уюшмалари республика кўмитаси раиси, Ўзбекистон, Қорақалпоғистон ва Бошқирдистон халқ артисти Байрам Матчонов. — Хусусан, атоқли санъаткор Отажон Худойшукуров издошлари, мумтоз мусиқаниннг ҳақиқий жонқуярлари иқтидорли ёшлар орасида бениҳоя кўп эканлиги бизни қувонтирди. Шу боис Ўзбекистон халқ артисти Абдухалим Исмоилов раҳбарлигидаги жюри аъзоларига турли вилоятлардан келиб кўрик-танловда қатнашган 33 нафар йигит-қизлар орасидан ғолибларни аниқлаш анча мушкул бўлди. Шунинг учун ҳам биринчи ўрин икки хонандага — элликқалъалик Сададдин Сапов ва Тўртқўл туманидан Раҳила Рузимоваларга берилди. Иккинчи ўринга эса бир йўла уч кўшиқчи лойиқ деб топилди.

Ёшлар фестивали дастурига кирган бахшилар беллашуви ҳам юқори савияда ўтди. «Шеърят байрами», Ёшлар фестивали ва ёш ижрочиларнинг кўрик-танлови билан бир пайтда «Авесто»нинг 2700 йиллигига бағишланган илмий амалий анжуман ҳам кенг жамоатчилик фикрини жалб этди. Бўстон академик лицейида таниқли олимлар, тадқиқотчилар иштирокида уюштирилган мазкур тадбир ҳам ёшлар тарбиясида ўзига хос янги саҳифа очди.

Абдурахмон ИСКАНДАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

Спорт оламида НИГЕРИЯ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА ЧИҚДИ

Нигериянинг футбол бўйича терма жамоаси келаси йили ўтказиладиган жаҳон чемпионатининг финал қисмида қатнашиш имкониятини қўлга киритди. Африка қитъасига ажратилган беш йўлланмадан охиригисига эга бўлиш учун нигерияликлар ўз майдонида Гана терма жамоасини мағлубиятга учратди. «Супер бургутлар» ганаликлар дарвозасига жавобсиз учта тўп йўллади. Ушбу ғалаба билан Нигерия терма жамоаси ўз гуруҳида биринчи ўринни эгаллаб, учинчи маротаба жаҳон чемпионатиغا чиқди.

Африка қитъасидан, шунингдек, Камерун, Жанубий Африка Республикаси, Сенегал ҳамда Тунис терма жамоалари жаҳон чемпионатининг финал босқичига йўлланма олган.

КОЛУМБИЯ - АМЕРИКА КУБОГИ СОҲИБИ

Колумбияда Америка Кубоги мусобақаси ниҳоясига етди. Мусобақанинг финал беллашувида Колумбия терма жамоаси мексикалик футболчиларга қарши майдонга тушди.

Учрашув бошидаёқ икки терма жамоа ҳам бир қанча хавфли ҳужум уюштиришга қарамай, ҳисоб иккинчи бўлимнинг ўрталарида очилди. Уйнинг олтими бешинчи дақиқасида мексикалик футболчилар жарима майдончаси ташқарисида ўйин қоидасини бузди. Лопес узатган тўпни Иван Рамиро Кордова боши билан дарвозага йўллаб, учрашувда дарвозага киритилган ягона тўп соҳиби бўлди.

Шу тарзда Колумбия терма жамоаси ўз тарихида биринчи марта қитъадаги энг нуфузли соврин — Америка Кубогини қўлга киритди.

ШОТЛАНДИЯ ЖАМОАЛАРИ АНГЛИЯГА ЎТМОҚЧИ

Шотландия миллий биринчилигида 15 йилдан буён етакчилик қилаётган Глазгоннинг «Селтик» ва «Рейнжерс» жамоалари Англия чемпионатининг премьер лигасида иштирок этиш ниятида эканини маълум қилди.

Бу икки жамоани Англия биринчилигида иштирок этишга чорлаётган нарсалар теле-трансляциядан келадиган даромаддир. Бироқ, улар теле-трансляция ҳуқуқини сотиш эвазига бор-йўғи бир неча миллион фунт стерлингга эга бўлиши мумкин. Ваҳоланки, премьер лиганинг ўрта миёна жамоаси ҳам эфирга узатиш ҳуқуқини камида 20 миллионга сотади.

Бундан ташқари, Шотландиянинг бошқа футбол жамоалари «Рейнжерс» ва «Селтик»ка нисбатан анча кучсиз бўлгани ва етарлича рақобатлаша олмаётгани ҳам Англия чемпионатида иштирок этишни тақозо этмоқда.

Икки клуб раҳбарлари бу тўғрида ўз фикрини билдирган бўлса-да, бунинг учун премьер лига ташкилотчиларининг розилиги ҳам керак. Ташкилотчилар эса, бу икки жамоани биринчиликка қабул қилиш борасида ҳозирча ҳеч қандай режаси йўқлигини айтмоқда.


Зоҳир ТОХМУҲАЕВ.



Билиб қўйган яхши ҚУЛАЙ ВА ИХЧАМ

Бу чангютгич моторидаги цилиндрнинг ҳажми 25 куб сантиметр бўлиб, чангютгичнинг оғирлиги 4,5 килограмм. Уни елкага осиб олиб бемалол ишлаш мумкин. Чангютгич ахлат ва тўкилган барглари каттагина пластик халтачага йиғиб олади.

Япониялик мутахассислар яратган мазкур қуралма ҳаво сурпургиси ишини ҳам бажара олади.



Бухорода Чориқулбой кўпригини билмаган одам бўлмаса келар. Бу мухташам иншоотни Зарафшон дарёси устида 1911-1914 йиллари таниқли мулкдор

Х.МИРЗАКАРИМОВ
олган сурат.

Бир ҳафталик хизмат сафаридан қайтиб хайрон бўлиб қолдим. Тушимми, ўнгимми? Қўшим Жамолларнинг бир неча йиллардан бери қаровсиз ётган қўчасига сон тегиб, сурпуриб-сидирилган, тартибсиз ётган шох-шаббалар йиғиб, тахланган. Чикитлардан бўғилиб қолган арик тозаланиб, шалдириб сув оқапти. Кўча томонга ўрнатилган дераза ойналари чиннидек, аксинг кўринади. Бу не ҳол?

Шу пайт дарвозадан ўн икки-ўн уч ёшли бир қиз гуруриб чиқиб, у ёқ-бу ёққа аланглади-да:

— Ойи, ойи, дадам келаяптилар, акаларим ҳам, — деди ўзида йўқ хурсанд бўлиб.

Мен ҳам бу қизнинг дадаси ким экан, деб ўша томонга қарадим: кўчанинг у бошида икки қўлида эса қовун, тарвуз. «Ие, бу қиз ҳам, бўйлари дадасига етиб қолган йигитчалар ҳам, Жамолнинг фарзандлари экан-да! — дея мен ҳам ёш боладай севиниб кетдим.

— Демак, келин қайтиб келибди-да! Беҳитиёр Жамолнинг уйланган кезларини эсладим.

Жамол ҳарбий хизматни ўтаб қайтганидан кейин дарров ишга киришди: аввал ҳовли этагини бузиб, икки қават қилиб кўтарди. Тепаси бир айвон, икки хона, остида эса ваннахона, ошхона, яна икки хона жойлашди. Ҳарбий хизматда қурилиш баталёнида «прораб» бўлиб ишлаганини кейин айтиб берди. Демак, бу уй лойиҳаси

ни ҳам уддалаб ташларди. Айниқса, кўчадаги ва ҳовлидаги томоркаларни ўзи чопиб, юмшатиб, кўкартирди. Бўёқланмай қолган уй ромлари-ю, полларини, хатто том тунукаларини ҳам аёл боши билан эринмай бўяб чиқди. Дарров кўни-кўшилар озгига тушди.

КЕЛИН ҚАЙТИБ КЕЛДИ

хизматдалигидаёқ «тасдиқланган» экан. Шундай қилиб, кўча томондаги хоналарни қайта таъмирлаб, томини ҳам тунукалади. «План»ида қўйхона ҳам бор экан, уч-тўртта қўй ҳам сотиб олди. Бир йилга қолмай, ўзи ёқтирган қизниқига совчи юборди. Ҳарбийдан қайтгунча отаси бандаликни бажо келтирган, онаси эса касалманд бўлиб қолганига қарамай, тушундиликка тушмади. Ҳамма ишга «Кўз кўрқок — қўл ботир» деб киришди. Сарф-харажатларни ёлғиз ўзи дўстлари кўмагида қилди. Тўйи ҳам рисоладагидек ўтди. Отасиз, боқувчисиз яшаётганидан хонадон эгаларига ҳам жон кириб, кўни-қўшиларга бошларини кўтариб қарайдиган, уйларига тақлиф қиладиган бўлиб қолишди. Келин ҳам Жамолга ўхшаб тиниб-тинчимас экан, эркакларнинг иши-

Хонадонларга янги ташаётган келинларга ҳам Мاستураҳон намуна қилиб кўрсатиларди. Ҳамма келинлардан барвақт туриб, кўча сурпуриши, сув сепиб йўлақларни чиннида қилиб қўйиши ҳам одатий ҳол эди.

Нимаям бўлди-ю, бу хонадонга қора мушук оралаб, ҳаловатларини бузиб, икки ёш ўртасига адоват уруғини сепди. «Туппа-тузук келин, дедим, юрадиган бошқа йигити бор экан?», «Узим қўл ушлашиб турганини кўрдим!», «Одамнинг олмаси ичда бўларканга...» каби фиску-фасодлар бора-бора Жамолнинг қулоғига ҳам етиб келди. Игволага чиқаргани ишонадиган касалманд онаси-ю, икки синглиси бирдангина ўзгарди-қолди. Йўқ, ойни этак билан, тухматчиларнинг озгини кепак билан беркитиб бўлмас экан. Охири Жамолнинг

Турмуш чорраҳаларида

сабри тугади... Келин чурқ этмай, хонадонни тарқ этди, қуёв эса ерга қараб қолаверди. Мاستураҳонинг севгисини чин экан, тўрт фарзандини тишига тишлаб катта қилди. Мана,

даси уйга ташиб турадиган камёб молларни олиб чиқиб, «Сизга арзон, олаверинг, кейин тополмайси», деб мени ўзига оғдирмоқчи бўларди. Мен эса парвойи фалак эдим. Чунки Мастураҳонни севардим-да.

— Тўхта, сен бу гапларни қаёқдан билдинг, — дедим хайрон бўлиб.

— Бир йил бурун дўконда Гавҳарой билан тўсатдан учрашиб қолдик. Эри ҳам савдода ишларкан. Гап орасида ўзи сирини очиб қўйди. Айбини бўйнига олиб, узр сўради. Ҳамма тухмату игволар шундан чиққан экан. Келинни кетказиб юборсам, уёғи осон, менга уйланади, деб ўйлаган экан. Қарая, бир аёлни макри билан оилам шунча чайқалиб кетди. Онажоним армон билан дунёни тарқ этди. Сингилларимнинг бағри қон бўлди. Ҳаммадан ҳам Мастурага қийин бўлди. Фарзандларим ота меҳридан жудо ўсди. Тухмат балоси — ўт балоси, сув балосидан ҳам ёмон экан. Ҳайриятки, кеч бўлса-да, ҳақиқатга тушуниб етдим. Тогдек икки ўғлим, гўлдек икки қизим олдида юзим ёруғ бўлди.

БУ — ҚИЗИҚ

Агар ер ўзида мутлақ соф сувли, лоақал лабораторияларда ҳосил қилинадиганчалик тоза сувли бирон кўл бўлганида эди, бундай кўл сиртида одам бемалол одимлаб юролган бўларди.

Ҳид билишда эркак ипак қуртининг олдида тушадиган жонивор йўқ экан. Тажрибалар шунини кўрсатадики, эркак ипак қурти урғочи ипак қуртининг хидини ақл бовар қилмайдиган масофадан — 12 километр наридан ҳам сезар экан.

Кўёш нури бизга бор-йўғи 8,5 дақиқада, энг яқин юлдуз нури эса тўрт йил-у уч ойда етиб келади.

Англиядаги кутубхоналардан бирида бундан 180 йил илгари нашр қилинган энциклопедик лугат бор. Лугатнинг «ф» ҳарфида футбол тўғрисида мана бундай гап ёзилган: «Футбол — спортнинг жуда қизиқарли тури бўлиб, бора-бора унутулиб кетади».

Аслида шундай-микан?!

Зоир ТУРСУНОВ.

ISHONCH
Муассис:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимуҳаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзохид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 22.00

Маълумот: 700165, Тошкент шаҳри, «Баҳор» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли тўғрисида берилган, ИВМ компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Ўлчамлари А-2, Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.